



Малайзия дунё озик-овкат саноатида исломий ахкомларга мос конун ўрнатувчига айланишни хохламокда

“Осиё йўлбарс”ларидан бири Малайзия ўзининг нефт казиш ва кайта ишлаш саноатидан келадиган асосий даромад манбасига Ислам оламининг ривожланиб бораётган ва 500 миллиард АКШ долларга бахоланадиган истеъмол бозорида асосий ўйин коидаларини ўрнатувчиси ўрнини хам эгаллашга интилмокда. Мамлакат аллакачон “Халол-2.0” маркетинг номини олган ягона халқаро халол стандартни жорий қилиш таклифи билан чиқмокда.

“ОЛМАЛАРИМИЗ ХАЛОЛ, ЧУНКИ УЛАР ДАРАХТДА ЎСАДИ”

“Шоколад махсулотларингизда нега халол белгиси йўқ?” — сўрайди рўмоллик кекса аёл “Алёнка” кандолат махсулотини синчковлик билан текшираркан. — “Хали олишга улгурмадик, хужжатлаштиряпмиз. Лекин хавотирга ўрин йўқ – хаммаси халол, ўзим хам мусулмонман”, — сабр билан тушунтиради Россия стенди ходими Дониёр Мамиров. “Россия шоколадларига Малайзияда талаб жуда катта бўлиши мумкин эди. Чунки бизни махсулот Белгияда ишлаб чиқарилган шоколаддан арзонроқ, аммо Россияниқидан фаркли равишда Белгия махсулоти расман халолдир. Сиз шу масалани ёритинг, балки шунда ишлаб чиқарувчилар ниҳоят халол белгисини олишга киришишар”, — дея илтимос қилади Пенанг халол махсулотлар кўрғазмасининг Россиялик иштирокчиси Расил Галеев. Хозирча эса Россия бизнеси кундалик терминларни муҳокама қилишда давом

этади: модомики таркибида чўчка гўшти ва алкоголь йўк экан, демак бу махсулот халол. Халолга бўлган енгил муносабат Малайзияда олма сотишга харакат килаётган Хитой савдогарларини хам ажратиб туради. “Албатта, бизнинг олмаларимиз халол, ахир улар дарахтда ўсади-ку, хеч кандай тўнгиз уларга якинлашмаган”, — деб таъкидлайди Гуанси провинциясининг мева махсулотлари компанияси вакили. Куала Лумпур шахрида ўтаётган MIIHAS йирик халол махсулотлар кўргазмасидан сухбатни давом эттирамиз. Бу ерда Африкадан тортиб то Лотин Америкасигача бўлган халолчи бизнесменлар ва уларнинг хамкорлари учрашмоқдалар. “Махсулотларимизнинг халоллигини тасдиқлаш учун фабрикамизга Малайзиядан делегация келган эди. Деллагасия аъзолари, масалан, машиналардан эмас, балки кўл меҳнатидан фойдаланишни маслахат бердилар”, — дейди реза мевалар шарбати билан савдо килаётган Чили компанияси вакили.

РОТТЕРДАМ ПОРТИГА ХАЛОЛ НОМИ БЕРИЛДИ

Халол махсулотлар саноатининг машхурлиги дини Ислом таъсирини бутун дунё бўйлаб ошишига ва мусулмон давлатларнинг ўзида диндорликни кучайишига катта таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, охириги ўн йилда ўртача ёшдаги бола Ислом масалалари борасида билимлироқ ва шунга мувофиқ истеъмол махсулотлар халоллигига талабчанроқ бўла бошлагани кузатилган. Лекин бундай холларда хам кутилмаган таажжубли ходисалар рўй бериб туради. “Йирик компаниялардан бири Куала Лумпурда уч ой давомида оёк кийим билан савдо килган, бироқ кейин бу товар чўчка терисидан килингани аникланди. Катта можаро бўлган эди ўшанда”, — эслайди MIIHAS иштирокчиларидан бири.

Халол махсулот саноатининг ривожланиши Ислом давлатлари билангина чегараланмаган. Бугунги кунда Бразилия, Таиланд ва Хитой давлатлари хам энди халол махсулотлар бозорининг йирик иштирокчиларидан хисобланмоқда ва бу хусусан радикал кайфиятдаги истеъмолчилар орасида норозиликка сабаб бўлмоқда. Шунингдек, икки йил олдин дунёдаги энг катта Роттердам порти халол белгисига эга бўлди. Бу ерда истеъмол махсулотлари билан боғлиқ барча харакатлар халоллик коидаларига мувофиқ амалга ошириладиган алоҳида терминал ажратилган. Порт вакилларининг айтишича, бугун Голландияни ўзида аҳолининг миллионга яқинини мусулмонлар ташкил килади ва Роттердам халол махсулотлар учун Европадаги асосий дарвозага айланиш умидида.

МАХСУС ОШХОНАЛАР

Умуман олганда, халол стандартга жавоб берадиган махсулотлар бозори йилига 500 миллиард АКШ доллари хисобида баҳоланади, потенциал истеъмолчилар сони эса 1,5 миллиардга етиши мумкин – Ер юзининг шунча аҳолиси Ислом динига эътиқод килади.

Малайзия, балким, халол таом маданиятининг бошка маданиятлар, айникса, чўчка гўшти энг асосийлардан хисобланган Хитой маданияти билан хамоханг мавжудлигига энг ёркин мисолдир. Чўчка гўшти тортиладиган ресторани савдо марказида очиш мумкин эмас, лекин бошка жойларда бу гўшт бемалол сотилади. Чўчка гўштини кўпгина катта меҳмонхоналарда ҳам топиш мумкин, бироқ бу махсулотга албатта махсус ошхонада ишлов берилади. Барча халол таом эса умуман бошка, алохида жойда тайёрланади. “Хар холда меҳмонхонани бутунлай халол қилишнинг иложиси йўқ, алкоголь сотувидан ҳам воз кеча олмаймиз. Шунингдек, Яқин Шарқлик кўпгина туристлар алкоголь шишасига яширинча интиладилар”, - дейди Куала Лумпурдаги тўрт юлдузлик меҳмонхоналаридан бирининг иш бошқарувчиси.

СТАНДАРТЛАР ВА РАКОБАТ УСЛУБЛАР ОРАСИДА КУРАШ

Шунга қарамасдан, айнан Малайзия бугун ўзининг халол стандартларини халқаро миқёсда фаол тарғибот қилмоқда. Кўрғазманинг кўпчилиги малайзиялик иштирокчиларининг фикрича, чет эл махсулотлари ўзларининг сертификатларидан ташқари Малайзияда маҳаллий сертификатга ҳам эга бўлишлари шарт. Юқори халол стандартга кўра, хайвоннинг сўйилиши вақтида “қасоб ҳам, хайвон ҳам юзи билан Макка томонга қаратилган бўлиши керак”. “Ахир эътиқодсизлар бу фактни доим ёдида саклармиди? Халол таом фақат мусулмонлар томонидан ишлаб чиқарилиши керак”, — дейди радикал қайфиятдаги профессионал халолчилар жамиятини вакили ва Куала Лумпурдаги махсус халол компаниялардани бирининг ходими. Бошқалар эса фақат умумий халол стандарт жорий қилишни таклиф қилмоқдалар. Хусусан, Куала Лумпурда жойлашган Халол яхлитликка амал қилиш Халқаро альянси бу масалада ишни аллақачон бошлаб юборган. Бу ерда ушбу стандарт “Халол-2.0” деб аталади ва у биринчи муқамал бўлмаган стандартни ўрнини эгаллаши керак. Бундай ўзгариш эса яқин икки-уч йил ичида қутилмоқда.

Гули Содикжон кизи тайёрлади